



Савол:

Саволим шундан иборатки мен Англияда таҳсил оламан. Бу ерда аэропортларда, катта дўконлар ичида турли дин вакиллари ибодатхоналарини битта жойга қилишган. Мана шу бир хонанинг ичида мусулмон ҳам христиан ҳам яҳудий ҳам ибодат қилиши мумкин. Мен ҳам ана шу жойда намоз ўқишга мажбур бўлдим. Мени қийнаган нарса у ерда хоч, бут, ва ана шу динларнинг Муқаддас китболари Қурони Карим билан бир жойда турар эди. Менинг саволимни тушунган бўлсанглар шунга батафсилроқ жавоб юборсанглар. Жазаакумуллоҳу хойрон.

Жавоб:

Ассаламу алайкум, сиз айтган хонадан бошқа намоз ўқиш учун жой топа олсангиз ўша ерда ўқишингиз маъқул, агар иложи бўлмаса, мазкур хонада сурат ва хайкалчалар бўлмаса у ерда бекароҳат намоз ўқисангиз бўлади. Агар суратлар бўлса иложи борича олд ва ён томонларда бўлмагани ҳолида намоз ўқисангиз макруҳ бўлсада ўқиган намозингиз тўғри. Яъни, уламолар иккинчи ҳолатга кароҳат билан рухсат берганлар, у ерда ўқиган намозингиздан кўнглингиз хотиржам бўлсин. Қуръон каримга келсак, агар у ерда мусулмонлар ўқиб фойдаланиши мумкин бўлса қолгани яхши. Уни оёқ ости қилиш ҳолати кузатиладиган бўлса, иложини қилинса Қуръонни хос бир жойга қўйилади, бунинг ҳеч иложи бўлмаса уни у ердан чиқарилади. Агар сиз айтган Қуръон арабча эмас, фақат таржимадан иборат бўлса унинг у ерда қолишининг зарари йўқ. “Қуръон” деб фақат арабча ёзилган аслига айтилади, бетаҳорат ушламаслик ва ҳоказо ҳурматлар арабча Қуръонга хосдир.